ПРЕЗИДЕНТ АҚМОЛАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти — Ақмолага жўнаб кетди. Сафар олдидан журналистлар билан бўлган суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Маълумки, ўзбек, қозоқ ва қирғиз тарихан илдизи бир халқлардир. Шунинг учун ҳам биз ҳар доим бир-биримизга ҳамдам, ҳамкор бўлишимиз керак. Шундагина барчамиз кўзлаган улуғ мақсадларга эришамиз. Сир эмаски, халқларимизнинг тарихий дўстлигига раҳна солишга ҳаракат қиладиган кучлар ҳам йўқ эмас. Биз эса четдан бўлаётган ҳар қандай сиёсий ўйинларнинг туб моҳиятини яхши англаб олмоғимиз зарур. Зеро, бир-биримизни ўзаро тўғри тушунишимиз, қўллаб-қувватлашимиз ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ бартараф этишга кўмаклашади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, аввало, ягона иқтисодий маконни барпо этишга қаратилган. Хусусан, энергетика, экология, сув ресурслари, озиқ-овқат масалалари бўйича аниқ режа асосида иш юритишимиз, шу билан бирга, табиий бойликлардан ҳам ўзаро оқилона фойдаланмоғимиз лозим. Чунки, бу уч мамлакат бир-бири билан ҳар томонлама чамбарчас боғланиб кетган. Сафаримиздан кўзланган яна бир мақсадимиз бизга қардош юрт халқини қўшалоқ байрам — Қозоғистон Республикаси мустақилликка эришганининг 6 йиллиги ва Ақмола мамлакатнинг янги пойтахти деб эълон қилинганлиги билан қутлашдир.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Ақмола. 12 декабрь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистоннинг янги пойтахти — Ақмола шаҳрига келди.

Шаҳар аэропортида Ислом Каримовга Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев ва Қирғизистоннинг Президенти А. Акаев пешвоз чиқишди. Миллий либосдаги қизлар мамлакатимиз раҳбарига анвойи гуллар тақдим этди.

Сўнгра уч мамлакат давлат раҳбарлари иштирокида давлатлараро кенгашнинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг минтавақий ҳамкорлик ва ўзаро интеграцияни жадаллаштириш борасида амалга ошираётган ишлари кўриб чиқилди. Шунингдек, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган уч мамлакат Бош вазирлари кенгаши мажлисида тайёрланган ҳужжатлар таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

Мажлис ниҳоясида уч мамлакат давлат раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани бўлди. Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Оқшом Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев олий мартабали меҳмонлар — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев шарафига қабул маросими уюштирди.

Президент Ислом Каримовнинг Ақмолага ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Истиқлол туфайли мамлакатимизда миллий қадриятлар ва маънавий бойликларимизни тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Республикамиз Президентининг ташаббуси билан юртимизда башарият ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий, буюк қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг халқимиз маънавий ва маданий ҳаётидаги ўрнини ҳисобга олиб, уларнинг таваллуд кунларини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги билан боғлиқ ўтказилажак тадбирлар тарихий меросга чуқур эҳтиром намунасига айланади.

12 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу тадбирларни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмиталарининг мажлиси бўлди. Унда қўмита аъзолари, тегишли вазирликлар, идора, муассаса, уюшма ва концернларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмиталар раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда алломалар юбилейига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Кун тартиби юзасидан Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Ф. Азимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Т. Жўраев, «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компаниясининг раиси Т. Юнусов, молия вазири Ж. Сайфиддинов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди. Таниқли тарихчи, шарқшунос олимлар, мутахассислар, ижодкорлар кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В. Норов, Р. Баҳодиров, Т. Рисқиев, Ў. Раҳматов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 13 декабрь, шанба № 146 (22.229).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

КУН ТАРТИБИДА — ОИЛА МАНФААТЛАРИ

12 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида оила манфаатларини таъминлаш юзасидан 1998 йил учун тадбирлар давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича республика комиссияси ва унинг ишчи гуруҳлари мажлиси бўлди. Унда Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур комиссия раиси Ў. Султонов бошқарди.

Мажлисда тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва Президентнинг шу йил 9 декабрдаги фармойиши бажарилишини таъминлаш бўйича комиссия ва ишчи гуруҳлар олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Республика Бош вазирининг ўринбосарлари Д. Ғуломова, Б. Ҳамидов, Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова, адлия вазири С. Мирсафоев, Олий Мажлис меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г. Йўлдошева ва бошқалар лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Президент Ислом Каримов таклифи билан 1998 йил — Оила йили, деб эълон қилинганлиги мустақил мамлакатимиз фуқаролари томонидан зўр мамнуният билан кутиб олингани мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, оила ҳаётнинг абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, миллий урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак бунёдкорларини шакллантирадиган тарбия ўчоғидир.

Мажлисда вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда уни тайёрлашга етакчи олимлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакилларини фаол жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Тадбирлар дастурида оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан муҳим вазифаларни кўзда тутиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

Навоийда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори мажмуининг сайёр мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг ижроси, бозорлардаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш ҳамда истеъмол бозори мажмуига кирувчи ташкилотларнинг 1998 йил режалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

* * *

Тошкентда «Геодинамика ва палеотектоник тиклаш тартиблари» мавзуида анъанавий халқаро илмий симпозиум ўз ишини якунлади. Унда мамлакатимиз олимлари билан бирга Озарбойжон, Қирғизистон ва Россия мутахассислари ҳам қатнашди. Улар зилзилалар ҳудудий харитасини тузиш, янги зилзилавий ҳаракатлар хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистоннинг олтин заҳираларини геодинамик усулда аниқлаш масалаларини кўриб чиқишди.

* * *

ВАТАН ХАРИТАСИ

Республикамизда Ҳиндистоннинг ёш кинематографчилари суратга олган фильмлар фестивали давом этмоқда. Уни «Камолот» республика ёшлар жамғармаси, «Ўзбеккино» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликда ташкил этган. Келгуси йилнинг 21 январигача давом этадиган бу фестивалда 6 та фильм намойиш этилади. Улар ҳинд киночилари томонидан бепул тақдим этилган.

* * *

Эндиликда «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталарининг совғини учун теннис бўйича мусобақалар ўтказиладиган бўлди. Унда иштирок этиш учун ёши ва касбидан қатъи назар, хоҳиш билдирган барча кишилар таклиф этилади.

* * *

Республика Байналмилал маданият марказида италиялик мусиқачилар Фернандо Антонелли ва Гвидо Фихтнерларнинг «Паганини дуэти» концерти муваффақиятли якунланди. Уни Италия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкиллаштирган эди.

«Энг улуг, энг азиз» танловига

ОИЛА — МИЛЛАТ ПОЙДЕВОРИ.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

МАСОФАДАН ЎҚИТИШ - ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда АҚШнинг Халқаро тадқиқотлар ва алоқалар кенгаши (АЙРЕКС) ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Масофадан туриб ўқитиш дастури талабалар, ишбилармонлар, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда мутахассислар учун жаҳоннинг турли ўқув юртлари ва тадқиқот марказларидаги ўқув курсларида ҳатто узоқ масофадан туриб иштирок этиш имкониятини кўзда тутади.

Масофадан туриб ўқитиш таълим беришнинг анъанавий усулларидан кескин фарқ қилади, яъни бунда ўқитувчи билан талаба бошқа-бошқа шаҳар ёки муайян жуғрофий узоқликда бўлиши мумкин. Бундай узоқ масофадан туриб ўқитиш учун ўқитувчи компьютер, йўлдош орқали алоқа, маърифий каналлар ёки кабелли телевидениедан фойдаланади. Ахборот технологиясининг жадал ривожланиши телекоммуникация тизимида ўзига хос инқилоб ясади. Натижада, масофадан туриб ўқитиш кўплаб ўқув юртлари, бизнес олами ва ишбилармон доираларда одатий тус олди. Масофадан туриб ўқитиш Халқаро кенгашининг маълумотига кўра, айни пайтда дунёда 10 миллионга яқин талаба илмий даража олиш учун ушбу тизим имкониятларидан фойдаланаётир. АҚШда талабаларни масофадан ўқитиш бўйича янги ўқув юртлари ҳамда муассасалар ташкил этилган. Бу миллий кадрлар тайёрлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Бундай ўқитиш тизимини Ўзбекистонда ҳам йўлга қўйиш мумкинми ва унинг истиқболи қандай бўлади? Анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам ўқитишнинг ушбу замонавий усули билан маҳаллий мутахассисларни батафсил таништиришдир.

Анжуманда АҚШ ва Осиё мамлакатларидан мутахассислар иштирок этмоқда. Конференцияда мазкур дастурни ривожлантириш учун зарур технология, заҳира ва молия инфраструктураси яратиш имкониятини муҳокама этиш ҳам кўзда тутилган.

Анжуман давомида масофадан ўқитиш структурасини яратиш, унинг технологиялари хусусида маърузалар тингланади. Иштирокчилар Туркиянинг масофадан ўқитиш уюшмаси, Таиланддаги шу соҳа бўйича фаолият кўрсатаётган консорциум ҳамда АҚШдаги Пенсилвания давлат университетининг бу борадаги тажрибалари билан танишадилар.

Мазкур тадбир сўнггида масофадан ўқитиш учун зарур жиҳозлар ва заҳиралар тақдимоти бўлиб ўтади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик кенгаши котиби — Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Раҳмонқулов иштирок этди.

Конференциянинг очилиш маросимида АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел қатнашди.

(ЎзА).

«Обуна — 98»

БИР ХЎЖАЛИКДА 50 ТА

Наманган туманида «Ўзбекистон овози» газетасига обуна авжида. Хусусан «Ғайрат» жамоа хўжалигида бугунгача обуначилар сафи 50 тадан ошиб кетди. — Газета қизиқарли ва мазмунли, — дейди ХДП туман кенгаши биринчи котиби А. Абдураҳмонов. — Солиев номли, «Ижодкор» жамоа хўжаликларида ҳам газетага бажонидил обуна бўлиш давом этмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАММАСИ 21...

Косон шаҳридаги 21-автокорхона (очиқ ҳиссадорлик жамияти)га 21 йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган партиямиз фаоли Анвар Тошқулов ўз корхонасидан 21 кишини «Ўзбекистон овози» газетасига ва 21 кишини «Мулоқот» журналига обуна қилиш ташаббускори бўлди.

И. УСМОНОВ, Ўзбекистон ХДП Косон туман кенгаши биринчи котиби.

Партия ҳаёти

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

12 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги илмий-амалий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор А. Х. Саидовнинг **«Инсон ҳуқуқларини таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши»** мавзуидаги маърузаси тингланди.

Машғулотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳамда уларнинг таркибига кирувчи шаҳар, туман партия кенгашларининг масъул ходимлари, партия марказий нашрлари журналистлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Россия, АҚШ ва Япония вакиллари уч томонлама анжуманга тўпланишди. Вашингтондаги бу анжуманда Осиё тинч океани ҳудудининг шимолий қисмида хавфсизлик муаммолари муҳокама қилинянти.

***

«Интернет» хабарига кўра Эроннинг диний раҳбари Али Ҳумайни Тожикистонда тинчликни янада мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирди. Бу иш жиддий эътибор ва куч-қувват талаб қилади. Бу ҳақда Али Ҳумайни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашуви пайтида айтди. «Эрон Тожикистондаги воқеалар ривожини диққат билан кузатиб турибди. Бу эътиборнинг боиси шуки, иккала мамалакат ҳам умумий тарихий илдизга эга бўлиб, тили ва маданияти бир бирига яқиндир», деб таъкидлади Оятилло Али Ҳумайни.

***

Жанубий Корея вонининг АҚШ долларига нисбатан 4 минут ичида 10 фоизга арзонлашиб, кетиши Осиёнинг жанубий ва шарқий қисмидаги валюта-молия бозорларида жиддий ташвиш туғдирди.

***

У-2 самолётларининг Ироқ осмонидаги айғоқчилик учишлари ҳеч қандай тўсиқсиз давом этмоқда. Бироқ Ироқнинг ҳаво ҳужумига қарши қучлари у ёқдан бу ёққа кўчишини тўхтатгани йўқ.

***

Кеча Люксембургда Европа Иттифоқи мамлакатларининг саммити очилди. Унда Европа Иттифоқини шарққа томон кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

***

Кеча Парижда дунёдаги энг машҳур террорчилардан бири Ильич Рамирес Санчес (лақаби, Карлос) устидан суд жараёни бошланди.

***

Шеньжень шаҳрида уюшган жиноятчиликка қарши ўтказилаётган махсус операцияда 10 мингдан зиёд полициячи иштирок этмоқда.

***

«Саккизлик» мамлакатларининг вазирлар даражасидаги Вашингтонда бўлиб ўтган учрашувда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳамкорликдаги ҳаракат режаси тузилди.

***

Атом электр станцияларида хавфсизлик режимини бузганлиги учун АҚШ икки миллион доллар миқдорида жарима тўлаши шарт.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ____ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга ____ (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси ____ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга

ЯНА БИТТАГА ОШДИ

Ғиждувон ўрмон хўжалиги жамоаси туманда экологик ҳолатни яхшилаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. 1 миллион туп ҳар хил дарахт кўчатлари, 27 гектар майдонда ёғочбоп тераклар шовуллаб турибди. Бундан ташқари, Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудида 20 миллион сўмлик кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Хўш, шундай жамоада ЎзХДП аъзолари борми? Албатта — олти киши. Улар ҳар бир ишда фаол. Яқинда бу ерда ХДПнинг бошланғич ташкилоти тузилди.

— Ҳозир, — дейди туман партия кенгашининг биринчи котиби Юсуф Наврўзов. — Партиямиз аъзолари сони 3250 дан ошди. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса 69 тага етди. Яқин орада шаҳардаги Акмал Икромов номли маҳаллада, «Бухоро-агроқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг кўчма механизациялашган жамланмасида ҳам бошланғич партия ташкилоти тузамиз. Шулар ҳисобига сафларимиз янада кенгаяди. Бу партиямиз нуфузининг омма орасида тобора ошиб боришидан далолатдир!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ахбороти

Менда таклиф бор

ҚАДРНИ ҲАМ ҚАДРЛАСАК

Хизмат юзасидан кўплаб одамлар билан муомалада бўлишимизга тўғри келади. Поездимиз бригада бошлиғи Раҳим Усмонов бугунги иқтисодий ўтиш даврида чет давлатлар билан темирйўл алоқалари шартномалари тузишга катта аҳамият беради. Чунки чет давлатлар билан ўзаро алоқа воситаси — темирйўл йўналишлари қанчалик кўп бўлса, юртимиз жаҳон сари дадил одимлайверади.

Айниқса, Тошкент — Москва темирйўл маршрути 85-поезди йўналишини сақлаб қолиш осонликча амалга ошаётгани йўқ, албатта. Лекин баъзи йўловчиларнинг бу имкониятдан тўла, тўғри фойдалана олмаётганлигини кўриб афсусланасан киши. Йўловчилар гоҳида бугунги ўткинчи қийинчиликлардан нолишади, ўзаро қўпол муомалада бўлишади, вагондаги буюмларни асраб-авайлаш зарурлигини ҳам унутиб қўйишади. Бу ҳам майли-я, ёш-ёш жувонларнинг тижорат йўлида вагонма-вагон «кезиб» юришларидан гоҳида куюнмасликнинг иложи йўқдек. Улар то Москва шаҳрига етгунча бекатма-бекат тўхталадиган сониялардан «унумли фойдаланиш» мақсадида лимон, майиз, ерёнғоқ, баргак, қовун ёки шунга ўхшаш маҳсулотларни шоша-пиша сотишга ҳаракат қилишади. Баъзан вақт тугаб, шошилинчдан маҳсулотининг «ўз нархи»ни чиқаролмаган, поездда юриш тартибларини қўпол тарзда бузган ҳолатларни кузатамиз. Қайтишда яна шу аҳвол. Йўл азоби ўзингизга маълум.

Яқинда бахтли тасодиф туфайлигина бир аёл соғ-саломат уйига етиб келди. Ташқаридан отилган тош дераза ойнасини чил-чил қилди, ойна тагида ўтирган аёл ойна синиқларидан сал қолса ҳаёти хавф остида қолиши мумкин эди.

Бизнинг 85-поездимиз манзилгача икки давлат— Қозоғистон, Россия чегарасидан ўтади. Одамларнинг турмуш даражасини, аҳволини кузатиб борамиз. Кўриб турибсиз, бугун, минг карра шукур қилиб яшашимиз, юртимизнинг тинч-осойишталиги, дастурхонимиз баҳолиқудрат тўкинлигига қайта-қайта шукур қилгим келади. Назаримда шу кунларимизнинг қадрига ҳаммамиз ҳам тўла етиб, чуқур англаб етмагандек туюлади. Кишини ўйлантирадиган яна бир томони, инсоннинг қадри ҳақида кўп гапирамиз. Лекин оддий ҳаётий ҳақиқатни эса ҳамиша ҳам ёдлайвермаймиз. Аввало, инсон ўз қадрига ўзи етиши керак-да. Йўқса, қадр топталади. Бугунги тинч-осуда ҳаётимиз қадрига, ўз қадримизга ўзимиз етишимиз, буни чуқур мушоҳада қилишимиз, фикрлашимиз зарур. Сиз бугун мўмайроқ пул топиш мақсадида ўзга юртларга элтиб сотаётган мева-чевадан тортиб, бошқа маҳсулотлар ўз бозорларимизга чиқса, янада арзончилик бўлмасмиди? Энг аввало, ўзимизни ҳурматлашимиз шундан бошланади.

Бахтиёр ЛАТИПОВ,
«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг 85-Тошкент — Москва поезди хизматчиси.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КЕЧА ВА БУГУННИНГ САБОҚЛАРИ»

Рўзноманинг 1997 йил 30 октябрь сонидаги «Кеча ва бугуннинг сабоқлари» сарлавҳали танқидий мақоласида Охунбобоев туманидаги пахтачиликда чигит экиш ва ишлов беришда агротехника қоидалари бузилганлиги, ишлов ва дефолиацияга эътибор берилмаганлиги учун пахта кечки бўлиб, режаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги, мусобақадош Бешариқ туманидаги «Рапқон» жамоа хўжалиги каби жамоаларда эса йилдан-йилга муваффақиятларга эришилаётгани далиллар билан келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида фармойишида ҳам Охунбобоев тумани хўжаликларида амалга оширилаётган ишлар шу кун талаби даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Рўзномада ёзилган мақоланинг муҳокамаси Охунбобоев туман А. Раҳмонов номли жамоа хўжалигида туман қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари вилоятдаги Ёзёвон, Риштон, Охунбобоев ва Тошлоқ туманларида қишлоқ хўжалиги муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тўғрисида вилоят ҳокимининг 1997 йил 10 ноябрдаги 297-фармойиши қабул қилинган.

Фармойишга асосан ишчи гуруҳ тузилиб Охунбобоев тумани хўжаликларида олиб борилаётган қишлоқ хўжалиги ишлари таҳлил қилинди. Ҳақиқатдан ҳам айрим мутахассис ва раҳбарлар ўз ишига ўта масъулиятсизлиги, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳатларни тушунмаслиги, қишлоқ хўжалик экинлари агротехникасига амал қилинмаётганлиги учун белгиланган режалар барбод бўлмоқда.

Ишдаги йўл қўйилган камчиликлари учун Т. Бобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Ёдгоралиев вазифасидан озод қилинди. «Намуна», «Ўзбекистон», Алигавҳаров номли, Отабоев номли жамоа хўжаликлари раислари И. Исмоилов, Ҳ. Маҳмудов, М. Доминов, А. Бўтаев, «Солижонобод» ёрдамчи хўжалиги директори У. Умаровларга туман ҳокимлиги кенгайтирилган йиғилиши қарори билан ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек, туман ҳокими М. Аҳмадхўжаева вилоят ҳокими қарори билан ҳайфсан эълон қилинган.

Ҳозирги кунда Охунбобоев туманида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни режалаштириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг 1997—1998 йилларга мўлжалланган тадбирлари белгиланди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси Охунбобоев ва бошқа туманларда мақолада кўрсатилган хато ва камчиликлар такрорланмаслиги учун бутун чораларни кўради.

Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокимининг ўринбосари
А. ЙЎЛБАРСОВ.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛЛАРИДА

Бугун бизнинг олдимизда вилоятда акционерлик жамиятларини ривожлантиришга кенг йўл очиш, уларни оёққа турғазиш ва қувватга киритиш йўлида зарур чораларни кўриш вазифалари турибди. Зеро, йирик корхоналар, қурилиш ташкилотлари, хўжаликларни янги иқтисодий илдизларга кўчирмай туриб жадал юксалиш йўлига тушиб олиш қийин бўлиши турган гап.

Бугунгача мавжуд 238 та акционерлик жамиятларининг 212 таси қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш марказидан рўйхатдан ўтказилди. Шулардан 206 таси эса «Вақт» миллий депозитарий рўйхатига олинган.

Республика ҳукумати ҳамда вилоят ҳокимлигининг тегишли қарорлари ва кўрсатмаларига асосан ҳудудий бошқармамиз бу борада муттасил амалий тадбирлар, ибратли ишларни бажариб келмоқдалар. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида режада белгиланган 23 та турли иншоот мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилди. Шу давр мобайнида 36 та кимошди ва 20 та биржа савдолари ўтказилиб, уларда 794 иншоот сотувга қўйилди. Шулардан 323 таси бошланғич нархлари 36,6 миллион сўм бўлгани ҳолда 71,3 миллион сўмга сотилди.

Вилоятимизда кўчмас мулк ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Шу мақсадлар йўлида 8 та брокерлик, 17 та кўчмас мулк ва 52 та акциялар сотиш агентлари фаолият кўрсатишмоқда.

Юртбошимиз ўз нутқларида бир неча бор таъкидлаганларидек, эндиликда чет эллик сармоядорлар билан алоқа боғламай туриб, иқтисодимиз ривожини янги босқичга олиб чиқиш қийин бўлади. Шуни назарда тутган ҳолда вилоят ҳокимлиги чет эл инвесторларини қўриқ воҳамизга жалб этиш йўлида турли амалий чоралар кўраётир. «Сирдарёда бизнес қилинг» деб номланган тадбир ҳам вилоят ишбилармонлари жаҳон бозорига чиқишида муҳим воқеа бўлди, дейиш мумкин. Ушанда бизларнинг даъватимизга жавобан 30 га яқин хорижлик таниқли ишбилармонлар вилоятимизга ташриф буюрган эдилар. Шундан бери улар билан турли амалий ҳамкорликлар олиб борилаётир. Вилоят ҳокимлигида ҳамда вилоят бизнес мактабида АҚШ, Франция, Буюк Британия, Покистон, Эрон, Туркия ҳамда бошқа мамлакатлар, ҳамдўстлик давлатлари вакиллари билан бўлиб ўтаётган учрашувлар ана шу ҳаракатларнинг маҳсулидир.

Ҳозирги пайтда вилоятимиз ҳудудида 10 дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатиб турибди. Яқинда улар қаторига Янгиердаги «Лочин», Ховосдаги «Ул-садо» Сайхунободдаги «Сайхун-Пая» қўшма корхоналари ҳам қўшилди. Чет эллик тадбиркорлар билан алоқа боғлашга кўмаклашишимизни сураб мурожаат қилаётган тадбиркорлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Юқоридагиларни эътиборга олиб, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан чет эл сармоядорларини янада кенгроқ жалб этиш, узаро ҳамкорликнинг фойдали ва самарали бўлишини таъминлаш, энг муҳими, ана шундай ҳамкорликда вилоятнинг устивор йўналишини аниқлаш мақсадида барча шаҳар ва туманларнинг бизнес ҳаритасини тузиш йўлида амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ислоҳот ва масъулият

Вилоятимиз чет эл сармоядорларини ўзига жалб этиш учун қатор қулайликларга эга. Ер, сув, электр энергияси, транспорт воситалари жиҳатидан бошқа ҳудудларга нисбатан устиворликка эгамиз. Тошкент — Термиз автомагистралининг вилоят марказидан ўта бошлагани сармоядорлар учун айниқса муҳимдир.

Ислоҳотлар энг аввало инсонлар учун ва унинг тақдирини ҳал этувчилар ҳам, албатта, уларнинг ўзлари. Шуни ҳисобга олиб, вилоятимизда ислоҳотлар йўлида астойдил жон куйдирадиган, янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш йўлида ҳам маълум ишлар олиб борилмоқда. Вилоятимизда ҳозир 4 та бизнес мактаби ишлаб турибди. Ўтган ўқув йилида шу мактабларда 343 нафар ёш таҳсил олдилар. Бу йил эса бу мактаблардаги ўқув жараёнлари деярли икки баробарга кенгайтирилади. Яъни, 1997—1998 ўқув йилида 700 кишини ўқитишни мўлжаллаяпмиз.

Мана, деярли бир йилдирки, вилоятимизда Гулистон бизнес инкубатори ишлаб турибди. Бу ерда тадбиркорларга мини-технология олишда юқори даражада хизмат кўрсатиш учун барча чоралар кўрилмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида бизнес инкубатори томонидан 154 та янги иш ўринлари барпо этилди. Шунингдек, бир қатор ногиронлар жамиятидан ва хусусий ташкилотлардан 43 киши ўқитилди ва уларнинг 70 фоизи ишга жойлаштирилди.

Ҳозирги кунга келиб вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бизнес мактаби ташкил этиш масаласи бизлар учун энг муҳим масала бўлиб турибди. Бу муаммо ҳал этилгач, иқтисодий ислоҳотларни янада кенг жорий этиш, бозор иқтисодининг оддий ишларидан тортиб катта муаммоларгача аҳоли онгига чуқур сингдириш, бошқача қилиб айтганда, ислоҳот тўлқинларини бутун вилоятимизни қамраб олиш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни бугунги кун даври талабларига кўтариш учун айрим ҳокимликларнинг бурчга бўлган муносабатларини ўзгартиришимиз лозим. Айтайлик, вилоятимиздаги Янгиер шаҳрида акцияларни сотиш режаси 181 фоизга, Сирдарё шаҳрида 201 фоизга, Боёвут туманида 226 фоизга, Мирзаобод туманида эса ҳатто 490 фоизга бажарилгани ҳолда, Ширин, Бахт, шаҳарлари, Оқолтин, Сирдарё, Ховос, Ш. Рашидов туманларида бу борада олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил этиб бўлмайди. Ваҳоланки, ҳамма нарса энг аввало хоҳиш ва саъй-ҳаракатларга боғлиқдир.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодини имкон қадар тезроқ юксалтириш айрим ташкилот ёки идоралар эмас, балки эндиликда ҳаммамизнинг ишимиз бўлмоғи лозим. Бу борада ҳаммамиз астойдил бел боғлаб, катта истак-хоҳишлар билан ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Фатхиддин ҚУТБИДДИНОВ,
Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Истиқлол ва ихтиро

«ОҲАНГАР» ДЕҲҚОНГА ҚЎШҚАНОТ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, соҳага илғор технологияни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу борада фикр юритадиган бўлсак, Тўрақўрғондаги «Оҳангар» трактор таъмирлаш ҳиссадорлик жамиятида қилинаётган эзгу ишларини таъкидлаб ўтиш керак. Кейинги пайтларда корхонада маҳсулот турларини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш учун анчагина ижобий силжишга эришилди. Айниқса, мамлакатимизда кенг ривож топиб бораётган пахтачиликдаги «Андижон усули» тўрақўрғонликларни ҳам қизиқтириб қолди.

Маълумки, «Андижон усули» пахтачиликда ҳақиқий маънода инқилоб бўлди. Бу усулнинг афзалликлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу илғор технология натижасида ҳосилдорлик 20-30 фоизга кўтарилади. Экинларни суғориш миқдори 2 мартага қисқарганлиги боис қанча-қанча обиҳаёт тежаб қолинади.

Тўрақўрғонлик ҳиссадорлар одатдаги сеялкани такомиллаштиришга ҳаракат қилишди. Тошкентдаги Техника университети профессори М. А. Исмонов ёрдамида чигитни аниқ экувчи янги универсал сеялка ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу агрегат ўзининг ўтмишдошларидан тубдан фарқ қилади. Чигитлар ерга аниқ ва бир хил чуқурликда тушиши оқибатида бир текис ва бақувват кўчатларга эга бўлинади. Қанча-қанча уруғлик тежаб қолинади. Бундан ташқари чигит бир қаторли ёки икки қаторли усулда турли ораликда жойлаштирилиши мумкин. Пахтазорга ўғит ташлаш ва плёнка тортиш ҳам осонлашади.

«Ўзбекистон» деб аталувчи ушбу сеялканинг яна бир афзаллиги шундаки, у мамлакатимизда етиштириладиган қатор қишлоқ хўжалик экинларини, масалан маккажўхори, қанд лавлаги, кунгабоқар, қовун, тарвуз ва шунга ўхшаш бошқа экинларни плёнка остига ёки очиқ майдонга тез ва сифатли экиш имконини беради. Бу эса республика учун ташқаридан шундай сеялкаларни сотиб олиш учун сарф этиладиган валютани тежаб қолиш имконини беради.



— Янги универсал сеялкаларимиз мамлакатимиз пахтачилигида кескин бурилишга олиб келиши мумкин, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Иброҳим Мамажонов. — Бундан ташқари ушбу маҳсулотларга яқин келажакда нафақат мамлакатимиз хўжаликларидан, балки Марказий Осиё давлатларидан ҳам буюртмалар тушиши мумкин. Шу боис ҳам сеялкаларнинг эҳтиёт қисмларини Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги турдош корхоналар билан кооперация йўли орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Ўйлайманки, янги сеялкамиз деҳқонларнинг яқин кўмакчисига айланиб қолади.

Яна бир гап. Яқинда корхона ўзининг чорак асрлик тўйини нишонлайди. Шу йиллар мобайнида миришкорлар йирик ишлаб чиқариш марказини вужудга келтиришди. Айни пайтда бу ерда тракторлар, сув насослари ва қишлоқ хўжалик техникаси таъмирланмоқда. Автотиркагичлар, тегирмонлар, чўян печлар, металл эшиклар ва дарвозалар ҳам тайёрланмоқда. Моҳир усталардан К. Саъдуллаев, Р. Турсунов, М. Чукин, Н. Хўжаназаров ва бошқа қўли гул ишчилар корхонанинг фахридир.

Турғунбек МАҲКАМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Тошкент Давлат техника университети профессори, техника фанлари доктори Муҳаммадзаҳроб Исмонов ва «Оҳангар» ҳиссадорлик жамияти раиси Иброҳим Мамажонов ўзлари яратган янги сеялкани кўздан кечиришмоқда. Пастда эса корхона маҳсулотлари акс этган.

Муаллиф олган суратлар.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ТУН ЯРИМ,

(Эссе- мақола)

Тунни қандай қарши оласиз?

Тун ором. Зулмат. Сукунат. Хотиржамлик бағишлайди руҳимизга. Қоронғулик одамни «емиради» қалб недандир безовта бўлса. Кашфиёт эмас бу. Бор ҳақиқат. Фақат бу ҳақда ҳадеб ўйлайвермайман. Чунки тинч, хотиржамман. Аммо Сиз борлиққа зулмат чодирини ёзган ҳамоно сезасиз буни. Ёлғизсиз. Одамлар, яқинлар даврасида яккасиз.

Кимгадир, нимагадир интилиб яшаш яхши. Ҳавас яхши. Лекин... Ёлғизликни ҳавас қиладиларми? Аниқ бир нарса дейиш қийин. Мен эса қўрқаман.

Европа. Уларнинг 34 миллион аҳолиси ёлғиз яшайди. Умумий аҳолининг 10 фоизи деган гап. Ҳавас қилса арзигулик Даниянинг эса 22 фоиз одами шундай турмуш кечиради. Хорижда шунчаки «иттифоқ» тузиб яшаш оддий турмуш тарзи ҳисобланади. Яна Данияга қайтай. Мамлакатнинг 25 фоиз одамлари шунақа «иттифоқ»чилардир. Сиз эса ёлғизликни қандай ҳис этасиз?

Мен буни қизиқарли тадқиқот учун ёзмаяпман. Ёлғизликдан толиққан руҳингизга, жароҳати ҳали битмаган юрагингизга битта таъна тошини ҳам отмоқчи эмасман. Фақат Сизни ўйлаяпман. Сиз ўн гулидан бир гули очилмай сўлган навниҳолсиз. Сиз айни аёллик таровати барқ урган ёшдаги, аммо ястиғининг ярми буш жувонсиз. Сиз бир этак невара-чевараларингиз даврасида осойиштагина кексалик гаштини суришга тўла ҳақли инсонсиз. Сиз ёлғиз аёлсиз...

Барингиз билан кўп бора суҳбатлашганман. Турли ёшдасиз, турли ёқдасиз. Сизни у «ташлаб» кетганидан нолимайсиз, «кўнглига тўсиқ бўлмайман» дейсиз. Фақат «бемаврид» сизни ёлғизликка маҳкум этиб кетганидан озорланасиз.

Ёлғизликнинг вақти қачон?

— Тўхтамурод билан синфдош эдик. Болаликдан бирга ўсганмиз. Мактабни битирибоқ оила қурдик. Тўйнинг эртасигаёқ қайнонам мени уйимга ташлаб келди. «Қиз чорлар»дан чимилдиғимга қайтмадим. Чунки...

— Нега? — гумроҳдек савол бердим.

Сиз секингина билагингизга ишора қилдингиз. Сўнг бошингизни ҳам қилдингиз. Оғир жиноят қилган қотилдек бошингизни қуйи-қуйи эгиб олдингиз. Билагингиздаги ўша «оқ» доғга чак-чак тамаётган кўз ёшларингизни кўрдим, ҳолос. Негадир шу тобда муъжиза рўй бериб шу шўр кўз ёшларингиз уни ювиб кетадигандек қуришини кутиб Сизга сўзсиз тикилиб қолдим.

— Кундузи иш билан андармон бўламан. Тун киргач эса унинг чироғи ўчгунча термулиб ўтираман. Ён қўшнимиз. Уйланди. Чироқ ўчади... Сўнг тонг отгунча онам келинлигимга атаб қавиган тўрт қават кўрпача устида тиконга ағнагандек тўлғаниб чиқаман. Майли, ҳаммасига розиман. Биттагина болам бўлсайди, умримнинг охиригача шу боласини деб ўтардим, ёлғиз. Болам овунчоғим, ёлғизлик даҳшатидан асрарди мени. Сирдарёлик Сайёра эндигина 18 га кирди. Сочларига эса оқ оралаган. Эндигина балоғат ёшига етиб «бахтсиз жувон»га айланган. Эндигина ёшликдек гўзал фаслга қадам қўйган ҳамоно хазон бўлган гунча. Аслида Сиз хазон эмассиз. Дардига болани малҳам қилмоқчи бўлган навниҳолгина.

Ҳа, бола шу қоронгу тунингизни ёритарди. Она тунда ёлғиз эмасми?

— Эрим тўрт нафар боламнинг чирқирашига қарамай ташлаб кетди. Бошқа аёлнинг иккита боласига оталик қиляпти. Бизни шу ҳовлидан, болаларимнинг киндик қони тўкилган уйдан ҳам ҳайдаб солмоқчи. Бизга бошқа жойдан ҳовли олиб берармиш. Комсомолда ишларди, «тепадан комиссия келади» деб кечалари уйга келмасди. Ишонардим. Майли, Давлатёрга даъвом йўқ, кўнгли қолганмиш биздан. Фарзандларимиз етилиб, эшигимни совчилар қоқиб турибди. «Отаси қани?» дейишларидан юрагим безиллайди. Куни билан ишда овунаман. Тун бошланганда, қоқ ярим кечада туриб худога нола қиламан. Тўрт нафар боламни жой-жойига қўйишнинг ўзи бўладими?! Болалар уйли-жойли бўлганда ташлаб кетса асти рози эдим. Тун кирмаса дейман...

1 2

МУКОФОТ МИҚДОРИ — 1 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Швеция қироли Карл XVI Густав 1997 йилги Нобель мукофоти эгаларига диплом ва эсдалик медалини тантанали равишда топширди.

Таниқли швед олими ва кашфиётчиси Алфред Нобелнинг васиятига кўра, ушбу мукофот ҳар йили физика, кимё, тиббиёт ва адабиёт соҳаларида эришилган юксак ютуқ эгаларига берилади. 1968 йилда Швеция давлат банки томонидан иқтисод соҳасида ҳам Нобель мукофоти жорий қилинди. Шунингдек, кейинги вақтларда тинчлик йўлида хизмат кўрсатган таниқли жамоат ёки давлат арбобларига ҳам мазкур мукофот берилаётир.

Бу йил Нобель мукофотининг миқдори 7,5 миллион Швеция крони (қарийб бир миллион АҚШ доллари) атрофида баҳоланмоқда.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Бутун дунё Японияниинг «Ямаити Секьюритиз» инвестиция компаниясининг президенти жаноб Нозаванинг кўз ёшларини яхши эслайди. У ўшанда фирманинг банкротга учраганлигини эълон қилганди. Бутун айб компания раҳбарларида эканлигини айта туриб, ходимларга нисбатан ғамхўрлик қилиш зарур, деганди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра унинг илтимоси қондирилди. Инқирозга учраган «Ямаити»нинг 9 минг ходимига бошқа компаниялардан таклиф тушди.

Бироқ айрим назариётчилар Япония компаниялари ўз ходимларини меҳнат бозоридаги жиддий синовларга яхши тайёрламаганликларини таъкидлашмоқда. Натижада кўчага ҳайдаб чиқарилган ходимлар ҳимоясиз қолиб, собиқ иш берувчиларга муҳтож бўлиб қолишмоқда. Ушбу ҳолатда эса айнан камчилик бўлиб туюлган нарса, «Ямаити»нинг собиқ ходимларига қўл келди. Чунки компаниянинг ўзи ходимларига иш топиш ва янги иш жойларини тақсимлаш билан шуғулланмоқда. Молиявий аҳвол оғир бўлишига қарамай деярли ҳамма ходимларга ёрдам пули ва йиллик мукофот берилди.

Рақобатчи фирмалар ушбу вазиятдан тезда ўз йўналишларини топишди. Чунончи, «Юниверсал Секьюритиз» ва «Окасан Секьюритиз» 550 кишини таклиф этишди. 600 мутахассисга эса «Электроник Дэйта Системз» «бошпана» берди.

* * *

Жанубий Кореядаги шу йилнинг 18 декабрига мўлжалланган Президент сайловлари Корея ярим оролидаги вазиятни барқарорлаштириш учун яна бир имконият беради, деб ҳисоблайди Американинг «Христиан Сайенс Монитор» газетаси. Президентлик лавозими учун курашда ким ғолиб чиқишидан қатъи назар у фуқаро шахс бўлади. Бу албатта давлат сиёсатининг шимолий қўшнига нисбатан муносабатига ўзгача таъсир кўрсатади.

Жанубий Кореянинг бутун тарихи давомида энди сайланадиган янги, ўн бешинчи Президент мамлакатга раҳбарлик қиладиган бор-йўғи иккинчи фуқародан чиққан киши бўлади. Демократик ҳаракат ҳам мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги зарур ўзгаришлар учун улкан имконият беради. Жанубий Корея аҳолиси шимолий қўшни билан ҳар доим уруш ҳолатида яшашдан чарчади ва ўз чегараларида тинчлик бўлишини истайди, деб ёзади газета.

* * *

Мексика давлати тобора Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар эътиборини тортмоқда, деб ёзади Американинг «Ю-Эс-Эй-Тудэй» газетаси. Шу кунларда Европа Иттифоқи билан Мексика ўртасида Брюсселда имзоланган иқтисодиёт ва сиёсат соҳасидаги шартнома бунга далил бўла олади. Яқин келажакда янги ҳужжатга имзо чеккан мамлакатлар камайтирилган божхона тўловлари шароитида ишлаб, эркин савдо ҳудудини яратишади. Газетанинг фикрича ушбу шартнома томонлар ўртасидаги мол айирбошлашни кескин кўпайтиради ва Европа Иттифоқини Мексиканинг ўз аҳамияти жиҳатидан иккинчи савдо шеригига айлантиради. Ҳозирги кунда бу соҳада АҚШ анъанавий равишда биринчи ўринда турибди. Унинг жанубий қўшниси билан мол айирбошлаш даражаси йилига 148 миллиард долларга етмоқда. Европа Иттифоқи мамлакатларига келсак, улар бу соҳада Америкага нисбатан анча орқада қолишмоқда.

* * *

Эрон пойтахти Теҳронда бўлиб ўтган Ислом Конференциясида иштирок этган мамлакатлар сони тобора кўпайди. Ушбу мамлакат раҳбарлари Фаластин мухториятининг бошлиғи Ёсир Арофатни олий даражада кутиб олишди. Буюк Британиянинг «Таймс» газетаси шу мавзуга бағишлаб мақола эълон қилди. Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий билан учрашувда Арофат агар Беньяминь Нетаньяху ўз ваъдасининг устидан чиқмаса, унда бутун ҳудуд зарар кўради, деди.

ШАҲАРДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Бангладешнинг Читтанге шаҳрида юз берган тартибсизликлар натижасида 70 нафарга яқин киши жароҳат олди. Тўқнашув мамлакатдаги йирик муҳолифат партия ҳисобланган Бангладеш миллий партияси ҳамда жамоат Исломий партияси тарафдорлари билан ҳукумат тарафдорлари ўртасида юз берди. Айни пайтда мазкур шаҳар ҳамда яна учта туманда тартибсизликлар бўлиб турибди. Ҳукумат шаҳарга шошилинч равишда аскарлар юборди.

Американинг дори-дармонлар ва озиқ-овқатлар импортини назорат қилиш масалалари бўйича комиссияси мамлакатга Гватемаладан мева ва сабзавотлар келтиришни ман этиш ҳақида қарор қабул қилди. Сабаби шуки, зарарланган мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш натижасида АҚШ аҳолисининг кўпчилигида ошқозон-ичак касалликларининг кескин ошиб бораётганлиги қайд этилди. Фақат кейинги бир йил ичида бир ярим мингга яқин кишида ана шундай касалликлар юз берди. Циклафора деб номланган паразит қайноқ сувга ҳам, дезинфекция воситаларига ҳам чидамли бўлиб, ҳар қандай мевага жойлашиб олиб, ичак касалликларини қўзғатади. Инсон организминнинг ҳолсизланишига ва тезда озиб кетишига сабаб бўлади. Охир-оқибатда жигар, буйрак ва ошқозон-ичак йўлларини ишдан чиқаради. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мамлакат ҳудудидаги бундай зарарланишга Гватемаладан келтирилган малина, пиёз, қовун ва бошқа янги узилган неъматлар сабаб бўлаётир.

БУ САФСАТА ЭМАС

* * *

Коррупция ҳам инсоният жамияти сингари узоқ тарихга эга экан. Айни кунларда данияллик археологлар Сурия даги қадимий маъмурий марказни топишди. Топилманинг ёши уч ярим минг йилга яқин. Олимларнинг кўз олдида баландлиги саккиз метрга яқин бўлган икки қаватли бинолар намоён бўлди. Ана шундай иншоотлардан бирида ўша пайтдаги Ассурия давлатининг ички ишлар бўйича собиқ маслаҳатчисига тегишли архив материаллари топилди. Балки шу одам давлат раҳбарияти аъзолари ичида подшодан кейинги ўринда тургандир. Архив ҳужжатларида юқори лавозимларни эгаллаган корчалонлар фаолияти ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан бирга улардан қайси бирлари порахўрлик билан шуғулланганликлари ёзилган эди. Ҳатто Ассурия маликасининг номи ҳам порахўрлар рўйхатида бор экан.

ҚОЧОҚЛАР МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мянма ҳукумати ва БМТнинг қочқинлар масалалари билан шуғулланувчи комиссияси ўртасида Таиланд ҳудудида яшаётган мянмалик қочқинлар муаммосига бағишланган музокаралар бошланди.

Ушбу музокаралар яқинда Таиланд ҳукуматининг мянмалик қочқинларни мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш ҳақидаги қароридан кейин бошланди.

Айни пайтда Таиланд ҳудудида сиёсий таъқиб ва фуқаролар уруши натижасида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган бир миллион нафарга яқин мянмалик қочоқ бор.

ДИПЛОМАТИЯ АЛОҚАЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Эрон билан Туркия давлат раҳбарлари ўзаро икки мамлакатнинг элчихоналарини қайта очиш ҳамда дипломатия алоқаларини яна йўлга қўйишга қарор қилишди. Шу йилнинг февраль ойида Эроннинг Туркиядаги элчиси Туркия Ислом мутаассиблари намойишида иштирок этгани учун мамлакатдан чиқариб юборилган эди. Унга жавобан Эрон ҳам худди шундай йўл тутган.

ЭЛЧИХОНА ЁПИЛДИ

Шимолий Корея мамлакатда юзага келган молиявий ва иқтисодий қийинчиликлар боис Мўғулистондаги элчихонасини ёпишга қарор қилди.

Шундай қилиб, икки давлат ўртасидаги 50 йилдан буён давом этиб келаётган дипломатия алоқалари тўхтатилди. Шимолий Корея бундан кейин Мўғулистон билан дипломатия алоқаларини бошқа давлат элчихоналари орқали амалга оширадиган бўлди, деб хабар қилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

ВАЗИРЛАР АНЖУМАНИ

Грециянинг Салоники шаҳрида Европа давлатлари информация вазирларининг икки кунлик анжумани бўлиб ўтди. Анжуманни ўтказишдан мақсад янги коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларни инсон ҳуқуқларига қарши қаратилган ташвиқот ишларида фойдаланишга йўл қўймаслик муаммоларига бағишланди.

АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторида аҳолини рўйхатга олиш бошланди. Бу тадбир Исроилнинг ушбу ҳудудларни эгаллаб олганидан буён биринчи бор ўтказилишидир ва у Фаластин давлатини тузишда муҳим қадам, деб қаралмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш икки ҳафта давом этади ва тадбир натижаси 4 январда эълон қилиниши кутилмоқда.

ФУТБОЛ — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Маълумки, Эрон терма командаси Австралия футболчиларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионатининг Францияда буладиган финал мусобақаларига йўлланма олган эди.

Яқинда Франциянинг Марселеза шаҳрида бўлиб ўтган қўрға ташлаш натижаларига кўра АҚШ ва Эрон терма жамоалари бир гуруҳда тўп сурадиган бўлишди. Кўп йиллардан бери ўзаро келишолмай келаётган бу икки давлат футболчиларининг дастлабки учрашуви 21 июнь куни Лион шаҳрида бўлиб ўтади.

Америка расмий доираларининг фикрича, бу учрашув икки мамлакат ўртасидаги норасмий муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади. Яна бир гап. АҚШ—Эрон учрашуви футбол майдонидагина эмас, балки икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатларни яхшилашда ҳам катта роль ўйнайди. Шу боис ҳам «Футбол дипломатияси» деган янги муносабатлар пайдо бўлиши ҳеч гап эмас. Демак, футбол — тинчлик элчисидир.

Соҳил.

ПОЙТАХТДА АҲОЛИ КЎПАЯДИ

Қозоғистоннинг янги пойтахти — Акмола шаҳри аҳолисининг мутахассислар таъкидлаганидек, кескин кўпайиб кетиши кузатилмаяпти. Бироқ, кейинги икки-уч ой ичида янги пойтахтда кўчиб келувчилар сони ошиши кутилмоқда. Бунга сабаб, шаҳарда барча қулайликларга эга янги турар-жой мажмуалари қурилиши ниҳоясига етаётганидадир. Умуман ҳозир Акмола шаҳри аҳолиси 300 минг кишини ташкил этади. Кўчиб келувчилар ҳисобига бу шаҳар яқин орада 500-550 минг кишига етиши мумкин.

КЎНГИЛ ЯРИМ

Турмушнинг дарз кетган жойлари

Ҳолидаям Кўкчанинг энг олди қизларидан эди. Бир тўп хотин-халаж, амма-ю, холалар ёр-ёр айтиб Қибрайга келин қилиб тушириб келишганди. Ўшанда Ҳолида ширин орзулар билан шу хонадон эшигидан оқ румолда бош эгиб кириб келувди. Ҳали-ҳали чимилдиқ тутилган «ўша уйи»га қадам босса юраги орзиқиб кетади. Ҳозир эса аёлнинг охирги қувончи-хотираларини ҳам тортиб олмоқчисиз. Сиз унга бир аёл орзу қилган ширин турмушни қуриб беролмадингиз. Жилла қурса шу қувончни беринг, қолдиринг унга.

Назаримда қариликда инсон ёлғизликдан ўнчалар чўчимайди. Ахир ёши бир жойга боргач кимдир олдин, кимдир кейин кетади. Яратганнинг иродаси бу. Ортда қолган кўникади. Ер бағри совуқ деганлари шудир. Лекин маънан яқин кишидан ажралиш ўн чандон оғир.

Сизни кўрсам тўкилиб тушаман. Айб тополмайман Сиздан. Жимгина дардингизни эшитаман. Сиз Сайёрадек аччиқ кўз ёши тўкмайсиз, Ҳолидадек ўксиб-ўксиб йиғлаб, куйиб-пишмайсиз. Сиз ҳам ёлғизсиз. Сиз буни қандай ҳис этишингизни, фақат бардош деб биламан. Сиз изтироб чекмайсиз. Фарёд чекасиз, фақат сўзсиз, унсиз.

— Лутфия опа, агар ёшликда ташлаб кетса розимидингиз?

— Кўникардим. Эрим менга 22 йилдан буён алдаб келаркан. Хиёнаткор эр билан бир том остида яшаш нақадар оғир. Бошқа хотиндан 20 ёшли ўғли, 14 ёшли қизи бор экан. «Кўнгил иши» дейди. Қуда-андаликмиз, 4 нафар фарзандимиздан тинганмиз. Болаларнинг боши хам бўлиб қолди. «Отаси ташлаб кетган». Ўгилларимга ҳам маломат эмасми?

— Нега ўша пайтдаёқ (20 йил аввал) ажрашиб кетмаган экан? — дилингизга яна наштар санчиб бўлсаям сўрайман.

— Райком секретари эди. Партиядан ўчиришдан қўрқиб яшаган экан. Ахир у пайтда кимсан Адҳам Турраев эди-да. Балки ҳақдир. Кўнглига бирор даъвоим йўқ. Лекин шу ёшда... Куни билан иш билан алахсийман. «Алданганман» дея қасоскор ўй, юрак-бағримни кемиради. Туни билан тонгни шундай орзиқиб кутаман. Ҳамма қоронғу тушиши билан ётоғига шошилади. Фақат мен шошмайман ётоқхонага. Чунки у ерда мени ёлғизлик балоси кутади. Тонг қачон отади?

Оппоқ тонг отади. Яна сиз ёлғизлик кишанидан халос бўласиз. Куни билан иш... Яна... Афсус.

Ёлғизликнинг мавриди борми? Сизни Тўхтамурод она раъйига қарши боролмай ажрашди. Кўнгли Сиздан совиган Давлатёр айни қувончга тўлиб яшайдиган кунларингизда ёлғизлатди. Сизни эса Адҳам Тўраевич «партия йўқолгач» «учиш» хавфи даф бўлгач ўзга аёлга алмашди. Қай бирингизни «мавридида» ташлаб кетишди? Барингизнинг қалбингизда жароҳат. Кундан нажот истаб яшайсиз. Туннинг оромини Сиздан юлиб олишди. Ким ҳақ, ким ноҳақ. Ким қора, ким оқ? Уларга таъна қилишга ҳаққим ҳам йўқдир. Ахир орамизда Кўнгил бор. Ёлғиз эркак ҳам тунни хушламас. Эрларини ташлаб кетган аёлнинг ҳам кўнгли бор.

Кўнгил дахлсиз, уни биров оқ ё қора дейишга, ҳукм чиқаришга маънан ҳақсиздир. Ёлғизлик Эгамга хос. Ахир қачон бўлмасин тундан безиб яшаркан ёлғиз инсон. Шуни айтмоқчи эдим, холос.

Тун ярим бўлганда, кўнгли яримлар оппоқ тонг бўзаришига Сизу биздан кўра интиқроқ экан. Тўғри, биз тунда ором оламиз. Шунисига шукр.

Саида БОНУ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 15

I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 15 декабрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уз аризасига биноан». Мультфильм.
18.20 «Олам ва одам».
18.40 «Аср муаммоси».
19.05 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 00.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Деҳқонга мадад, ҳосилга барака». 1-қисм. Изланишлар.
21.25 «Қўшиқ билан кўраман оламни».
21.55 «Демократия сабоқлари».
22.15 Волейбол бўйича эркаклар ўртасида жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари. Ўзбекистон — Австралия.
22.45 А. Навоий. «Искандар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
00.10 «Ахборот».
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттуплам.
18.35 «Табиат дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.45 — 23.50 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт.
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.15 Болалар учун. «Омад юлдузи».
9.45 «Соғлом авлод учун».
10.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.25 Кино янгиликлари.
10.40 «Ганг, сувларинг лойқаланди». Бадиий фильм 1 — 2-сериялар.
13.20 «Ёзувчи ва замон»
13.40 — 14.00 Узтелерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

* * *

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Сериал.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.35

*

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Фирибгарлар найранги». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 20.50 — Эълонлар.
19.05 «Умид».
19.35 «Умр баҳори».
19.50 «Авторейд».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Спорт-тайм».
20.55 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
22.20 «Гузаллик ва мангулик».
22.40 «Ракурс».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Муҳаббатим куйлайман». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Миллат чечаклари».
10.20 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Шарқ тароналари».
12.30 — 14.00 «Ҳалқа». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.30 «Бармоқлар сеҳри».
18.50 «Най навоси». Абдулаҳад Абдурашидов.
19.10 «Кафолат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.45 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у, аммо...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Деҳқонга мадад, ҳосилга барака». 2-қисм. Умид учқунлари сунмасин.
21.20 «Дилрабо дерлар сени». Мусиқий дастур.
22.05 Телетанлов. «Узлигинг намоён қил». Экранда — Бухоро вилояти.
22.50 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
23.10 «Саҳна ҳаёти».
23.50 «Ахборот».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттуплам.
18.35 «Табиат дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.45 — 23.50 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Сериал.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Фирибгарлар найранги». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 — 23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 21.45 — Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Уйингоҳ».
20.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.15 «Тиббиёт сизлар учун».
21.50 «Телефакт».
22.00 «Долзарб репортаж».
22.20 Эркаклар ўртасида волейбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари якунларига.
22.40 «ТВ IV да немис тўлқини».
23.05 «Дурдаршан».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 —8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Дилрабо дерлар сени». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шайхонтоҳур».
9.25 «Спортимиз фидойилари».
9.40 «Нуроний». Тележурнал.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Юртим жамоли».

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.

*

11.30 «Рақс, рақс,рақс».
11.45 Телетанлов. «Узлигинг намоён қил». Экранда — Бухоро вилояти.
12.30 — 14.00 «Мис фариштa». Бадиий фильм.

***

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Буғдойзордаги уйча». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битдадур».
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Санъаткор саодати». Мусиқий дастур.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 22.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Назм ва наво». Ҳувайдо лирикаси.
22.10 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси олдидан. «Парламент соати».
22.30 «Тундаликлар». Асқад Мухтор.
23.00 «Ахборот».
23.25 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттуплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
19.10 «Бизнинг авлод».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хонадон».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қатрада қуёш».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05 — 00.10 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Сериал.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 1-серия.
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.55 — Эълонлар.
19.05 «Нафосат гулшани».
19.40 «Дунё ва болалар».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «24-25 қайтмайди». Бадиий фильм.
22.00 «Автосалтанат».
22.10 «Рақслар қанотида».
22.40 «Азизим».
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Назм ва наво». Ҳувайдо лирикаси.
9.20 «Иктисодиёт чорраҳаларида».
9.40 Болалар учун «Мактублар — кабутарлар».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Дунё бўлди, чаманим маним».
11.35 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.05 «Арабелла — қароқчи қизи». Бадиий фильм.
13.15 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.45 «Алдар Қуса». Мультфильм.
14.05 — 15.05 «Сайқал». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қуённинг кўз ёшлари». Мультфильм.
18.20 «Кишлоқ ҳаёти».
18.35 «Фан фидойиси».
18.55 «Шеър ва шуур».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.10, 23.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Барҳаёт сиймолар». Юнус Ражабий.
22.15 «Жаҳон бозорига йўл». Малайзия.
22.35 «Битик». Публицистик кўрсатув.
22.55 «Муҳаббат боғида ёнган юраклар». Киноконцерт.
23.15 «Ахборот».
23.40 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия.
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Мультипанорама.
9.20 «Кусто командасининг сувости одиссеяси».
9.45 «Синфдош».
10.15 «Бари ҳазил».
10.25 «Кенгга — кенг дунё».
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.20 «Мусиқа салтанати».
11.45—13.15 Видео—«О».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қушиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Дубляж».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Одобнома».
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Келин-куёв». Телешоу.
22.30 «Кино жавонидан».
24.00 — 00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Сериал.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Матсалу қўриқхонаси». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.15 — Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 Мультконцерт.
20.30 «Ҳамшаҳарлар».
20.50 «Ишингиз бароридан келсин».
21.20 «Каталог».
21.30 «Чинсэн».
22.00 «Дурдаршан».
22.30 «Интерспорт».
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Барҳаёт сиймолар». Юнус Ражабий.
9.15 «Юзма-юз».
9.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «УзДЭУ Асака».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Эъзоз».

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Ҳидоят сари».
11.50 «Коинот гражданлари». Бадиий фильм.
13.00 «Ғазал оқшоми».
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.05—15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қизча ва қуёнчалар». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
18.40 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
19.00 «Истеъдод». Кибриё Оқилова.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Санъат усталарининг концерти.
22.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси олдидан. «Қалб минбари».
22.25 «Сеҳрли шуъла». Кинокурсатув.
22.45 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
23.05 «Ахборот».

«Мунаввар дунё».
Маърифий-дам олиш дастури.

23.30 «Олам».
23.50 «Ният хайр, оқибат хайр». Бадиий фильм.
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Жажжи давра».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қушиқ».
9.55 «Билиб қўйган яхши».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
10.50 «Мутойиба».
11.10 «Одобнома».
11.20 «Келин-куёв» Телешоу.
12.00—13.30 «Кино жавонидан».

* * *

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.40 «Камолот».
18.55 «Яхши дам олинг».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубль».
20.10 «Тақдим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 Мусиқа ва рақс.
21.25 «Дил дафтари».
21.35 «Даракчи».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 «Бокс, бокс, бокс».
23.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.35—00.40 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 «Соҳибжамол маликам». Бадиий фильм. 1-серия.
00.20 — 00.40 «Ахборот» (рус тили-

(Давоми 4-бетда).

ШЕЪР ВУЛҚОНДЕК ОТИЛСА...

Шеъриятга ёниб кирганлар бор, ҳўл ўтиндек тутаб кирганлар бор. Ёниб кирганлар шеърхон баҳрини иситиб, дилини ёритиб ижод қиладилар. Тутаб кирганлар умр бўйи тутин қайтариб, шеърхон дилига игна учидеккина нур беролмай умрларини зое ўтказадилар.

Ана шундоқ саноқда бор, сонда йўқ «шоирлар» анчагина. Улар ёзувчилар уюшмаси атрофида нимирсиб юришибди.

Адабиётга кириб келаётган, шоирликдан умидвор ёшларнинг шеърларини кузатиб бораман. Энг аввало бошловчи шоирнинг юрагида милт этган учқун бор-йўқлигига эътибор бераман.

Машҳур актёр Аброр Ҳидоятов: «Овозни кекиртакдан эмас, киндикдан тортиб чиқариш керак. Шунда пичирлаб айтган гапинг ҳам томошо залининг охиригача етади», деган эди. Бу гапни шеъриятга ҳам алоқадор деб биламан.

Шеър шоир эмас. У қувонч, у фиғон, у дилни яйратувчи қўшиқ, у шодлик овози, у йиғи, фарёд...

Шоир қалбидан вулқондек отилиб чиққан шеърнинг ўқувчининг юрак-юрагига киради.

Ижод ниҳоятда қийин, мураккаб жараён эканини ёш шоирга олдиндан айтиб қўйиш керак. Навоий бобомиз айтганларидек «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ»...лигини билишлари керак.

Бу гаплар эндигина қўлига қалам олган ёш шоирни чўчитиб қўймасмикин, йўлдан қайтармасмикин, деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, айтиш керак. Қандай ишга қўл ураётганини, олдинда қанчалаб қийинчиликлар борлигини билиши шарт.

Бундан ўн беш йиллар олдин Паркентга борганимда бир ҳаваскор шоир билан учрашиб қолган эдим. Унинг кўзига ҳар бир шоир авлиё, ҳар бир ёзувчи Ҳазрати Хизр бўлиб кўринадиган шайдойи бир шоирча эди. Ён дафтарига чиройли қилиб ёзилган шеърларини ўқиб берганди. Ҳар тўртликдан кейин, қойил қилибманми, дегандек менга қараб қўярди.

Бу шеърлар ҳали данги қотмаган шоирчанинг машқлари эди. Вазн ҳам, қофияси ҳам тўкилиб кетаман, деб турган шеърнамо нарсалар эди. Шунга қарамай ёзганлари баҳрида қандайдир милт этган учқун кўринарди. Шу ожиз учқун бир кун келиб аланга оламан, шоир юрагини ёритаман, дегандек ўхшарди.

Кечгача шеър тўғрисида, шоирлар тўғрисида гаплашдик. У Усмон Носир билан Миртемир шеърларини ёд биларкан. Ажиб бир шавқ билан ўқиб берди. Ғафур Ғуломнинг «Вақт» шеърини жуда паст овозда, сатрларни қўли билан силаётгандек, чирқиллаб сайраб турган қушчани ҳуркитишдан қўрқаётгандек пичирлаб ўқирди.

Ана шунда бу боланинг шоир бўлишига асосий дил қиришганига амин бўлганман.

Орадан йиллар ўтди. Онда-сонда унинг шеърлари республика матбуотида кўриниб қоларди. Дарров олиб, етилдимикин, пишдимикин, деб ўқийман. Очиғини айтсам унинг уринишлари бекор кетмапти. Ўрганиш, машқ, ўқишлар уни ҳаваскорликдан шоирлик даражасига етаклаб кепти.

Унинг иккита шеърий тўплами босилиб чиқди. Муқоваси тепасидаги Маҳмуд Тоиров деган ёзувни ўқийман. Шошиб китобларини варақлайман. Шеърларини шошилмай, синчковлик билан ўқийман. Ажабтовур шеърлар. У ҳар бир сатрга маъно юклайди. Юк кўтармаган биронта сатрни учратмадим. Уларда ҳам маъно, ҳам шоир нафаси бор эди. Маъно билан нафас, нафас билан маҳорат бир-бири билан топишиб, ўқувчига хуш ёқадиган нималарнидир уфуриб турарди.

Инсонсан, ҳар жонга вафолар
қилгин,
Тошни тош билмагин, садолар
қилгин.
Дуо ол, ўзинг ҳам дуолар қилгин,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё...
...Куёшнинг юзида пардалар,
Чақмоқлар сўзида зардалар,
Капалак лабида хандалар,
Ҳар товушни тинглагим келар,

Шеър ва шуур

Дунё, сени англагим келар...
Қиёсингиз ахтариб дафтарим
қаро бўлди,
Жонимни қалам қилдим, минг
жойи яро бўлди,
Изингиздан эргашдим, дедилар
гадо бўлди,
Малагим, шу гадонинг дуолари
ёр бўлгай...

Маҳмуд Тоиров тоғ боласи. У тоғлар билан қуршалган Паркент туманида туғилиб, шу ерда вояга етган.

Яқинда Маҳмуд менга почтадан бир туркум шеърларини юборипти. Ўқиб хузур қилдим. Азиз газетхон, шу шеърларни сиз билан баҳам кўргим келди.

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

1

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

да).

IV

17.10 — 18.45
Туркия телевиденеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.15 — Эълонлар.
19.05 «Умид чечаклари».
19.25 «Утмишсиз келажак йўқ».
19.55 «Уй остонадан бошланади».
20.25 «Мардона йигитлар».
20.45 «Бегойим».
21.20 «Осиё монитори».
21.50 «Араб эстрадаси».
22.15 «Йиллар ортидаги йўллар».
22.45 «Рангинкамон».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
8.55 «Ният хайр, оқибат хайр». Бадиий фильм.
10.25 «Зиёрат».
10.35 «Умр мазмуни». Низом Комилов.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.55 «Идрок».
11.10 «Дунё ёшлари».
11.25 «Маҳорат».
11.45 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
12.05 «Туркий уруғлар». Қипчоқ.
12.20 «Кичкинтой устахонаси».
12.40 «Ноёб нусха». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.05 «Шукуҳ».
14.30 «Цирк! Цирк! Цирк!».
15.00 — 15.20 «Меҳр макони».

***

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.15 «Ёшлик» студияси. «Нима учун?»
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий курсатув.
19.00 «Хайрат». Бадиий-публицистик курсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.20 «Шеърият ва мусиқа».
21.50 «Қиёфа». Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Наби Абдурахмонов.
22.20 «Жаҳон спорти».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.30 «Куй ва тасвир».
22.50 «Ҳазил».
23.00 Микель Плачидо «Шов-шув» фильмида. 6-серия.
00.30 «Мунажжим башорати».
00.35—00.40 «Тунги пойтахт таронаси».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.25 «Камолот».
9.40 «Яхши дам олинг».
9.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.10 «Дубль».
10.25 «Тақдим».
10.40 «Ривоят».
10.50 Мусиқа ва рақс.
11.05 «Дил дафтари».
11.15 «Кинонигоҳ».
12.50 — 13.10 Бокс. Бокс. Бокс.

***

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёси». Сериал.
19.00 «Таянч».
19.15 «Табиат шифохонаси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ТВ ва театр».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео—»О».
00.10 «Интерфутбол».
00.30 Дилором наволар.
00.40 — 00.45 «Тунингиз хайрли бўлсин».

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденеси.
18.15 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Соҳибжамол маликам». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40 — 22.55 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.45 «Кросс-Роудс кафеси»га хуш келибсиз», («Америкага бир назар» курсатувига илова). Инглиз тили — ҳамма учун.
11.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.00 — 12.20 «Корейс тилини ўрганамиз».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.35 — Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Биргаликда куйлайлик».
20.45 «Спектаклдан сунг».
21.15 «5 дақиқа ўзим учун».
21.20 «Далил ва шарҳ».
21.40 «Самодаги олмослар». Телесериал.
22.30 «Мусиқий кечалар». Дуэт «Паганини» (Италия).
22.45 «Бу ажиб дунё».
23.00 «Хит-коллекция».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Олам». Кинокурсатув.
11.20 «Зийнат».
11.40 «Қувноқ стартлар».
12.25 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий курсатув.
13.05 «Шеърият ва мусиқа».
13.35 «Талабалар саҳнасида».
14.15 «Ки, сен ҳам ҳур туғулгонсан». Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига.
14.50 — 15.50 «Нурли келажак». Видеоканал.

***

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.25 «Кунгил ойнаси».
18.45 «Чемпион билан учрашув».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик курсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 Эстрада концерти.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Телевизион миниатюралар театри». Кулги дастаси.
21.35 «Ўзбекистон бастакорлари». М. Бафоев.
22.10 «Спорт, спорт, спорт».

«Аср мўъжизаси» кинодастури:

22.30 Кино янгиликлари.
22.45 Телевикторина.
22.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.25 «Қасос ва қонун». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1—2-сериялар.
01.55—02.00 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Сувости дунёси». Сериал.
9.45 «Таянч».
10.00 «Табиат шифохонаси».
10.10 «Бизнес-академия».
10.25 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
10.40 «ТВ ва театр».
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Интерфутбол».
12.10 Дилором наволар.
12.20—13.55 Видео—»О».

***

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Болалар дунёси».
18.35 «Сувости дунёси». Сериал.
19.00 «Турфа олам».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Нафосат».
20.10 «Жараён».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Зар қадри». Мусиқий дастур.
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар уйини».
22.40 «Даракчи».
22.50 «Тақвим, Эълонлар, Оҳанглар».
23.00 Видео—»О».
00.35 «Келгуси ҳафтада».
00.50—00.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденеси.
17.15 — 21.55

*

21.55 Эълонлар.
22.00 «Механик». Бадиий фильм.
23.35 — 24.00 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!»
9.30 «Парле ву франсэ?
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Эълонлар.
11.50 Киносалон. «Ромео и Жульетта». Бадиий фильм.
14.35 «Жонли сайёра».
14.55 «Метро». Бадиий фильм.
16.35 «Бугунги кун мавзуси».
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси.

*

18.45 «Мультарусель».
19.00, 21.30 — Эълонлар.
19.05 «Менинг кучам».
19.20 «Телеташриф».
19.40 «Мусиқий Олимп».
20.00 Тошкент оқшомлари.
20.30 «Иштирок этувчилар».
21.00 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.35 Киносалон. «Гамлет». Бош ролда — Мэл Гибсон.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!»

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 13 dekabr, shanba № 146 (22.229).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЙҒОҚ ДИЛ

ДИЛ БЕРСАНГ

Қорнини ўйлаган нафсини сийлар,
Қадрига йиғлаган дорда рост сўйлар,
Имонли қоматин яхшига бўйлар,
Дил берсанг булбулдек куйлаттин мени,
Тил берсанг ҳақ йўлда сўйлаттин мени.

Йигитнинг олмоси ор бўлсин, эгам,
Сўзида салмоғи бор бўлсин, эгам,
Ҳам яна назаринг ёр бўлсин, эгам,
Дил берсанг булбулдек куйлаттин мени,
Тил берсанг ҳақ йўлда сўйлаттин мени.

Илдиз илтижосин япроқлар айтар,
Кўнглимнг жафосин қароқлар айтар,
Ким дер қумри қўшиғин зоғлар айтар,
Дил берсанг булбулдек куйлаттин мени,
Тил берсанг ҳақ йўлда сўйлаттин мени.

Гуноҳи гуллаган қулман қилма ор,
Жисмимда жон деган омонатинг бор,
Ўзинга етгунча ё парвардигор,
Дил берсанг булбулдек куйлаттин мени,
Тил берсанг ҳақ йўлда сўйлаттин мени.

МУҲТОЖ БЎЛМАЙСАН

Тирноқ тирнаш учун қўлингда эмас,
Белбоғ безак учун белингда эмас,
Агарки юрт ишқи дилингда эмас,
Эл ичра эланма яхши бўлмайсан,
Юз йил соз тутганда бахши бўлмайсан.

Ширин тилаклардан шаробинг бўлса,
Булбул дарс олгувчи китобинг бўлса,
Эр йигит эргашар шитобинг бўлса,
Майли, юрт бошида гар тож бўлмайсан,
Номарднинг нонига муҳтож бўлмайсан.

Бир баргда дарахтнинг қанча умри бор,
Бу зоғлар ичинда қанча қумри бор,
Қуён қувмоқликни қилма ихтиёр,
Ногоҳ шер дуч келса афгор бўлгайсан,
Мажнунтол сифатсан чинор бўлмайсан.

Сойнинг суронида баҳор қувончи,
Орида гуллайди йигит ишончи,
Яхши отга тегса йиғлайди қамчи,
Қаторда юрмасанг ҳеч нор бўлмайсан,
Кўксингни ўймаса дутор бўлмайсан.

Орзу яшар ушалмаган армонда,
Сен ерда яшайсан, руҳинг осмонда,
Тандирнинг чиройи узилган нонда,
Агарчи ҳасаддан йироқ бўлмайсан,
Маҳмуд, ҳеч бир дилга чироқ бўлмайсан.

МЕН КЕТСАМ

Киприклар не учун кўзга терилган,
Қабоғинг устида қошму керилган?
Билсанг, тириклардан марҳумлар кўпдир,
Унутма, умримиз ўлчаб берилган.

Чироғи ўзида ёруғдир осмон,
Тангрининг ердаги чироғи инсон.
Мен кетсам у келар, замин бўш қолмас,
Биримиз мезбонмиз, биримиз меҳмон.

Чумоли ризқини бургут ошолмас,
Менинг умрим қўшиб ҳеч ким яшолмас.
Кимни мен бошимдан баландда кўрдим,
Ажабки, ўзгасин товонимдан паст.

Олам яралибди сирдир, жумбоқдир,
Тоғларни бошида тутган тупроқдир.
Бир гул сўлганига куярсан, Маҳмуд,
Кўз очган ҳар ғунча янги сўроқдир.

ЙЎЛДАГИ ТОШ

Йўлларимда ётган тош,
Товонимга боттан тош,
Салмоғингда ситам бор,
Ўзидан ор эттан тош.
Йўлларимда ётган тош,
Дема ўзи ётган тош.
Тили бўлса айтарди
Кимлар кимга оттан тош.

* * *

Тонгда хуш атирлар сочмиш саболар,
Уйғонган дилларга тилаб дуолар.
Қуёшнинг нурида ҳам илтижолар,
Уйғонган дилларга тилаб дуолар.

Майсалар шивирлар шабнам шимириб,
Уйқу умрингизни кеттай кемириб,
Қалдирғоч куйлайди қошин чимириб,
Уйғонган дилларга тилаб дуолар.

Тушингиз тўкилиб ётмай болишга,
Тонгда қўл урсангиз агар ҳар ишга,
Фаришталар келгай Сизни кўришга,
Уйғонган дилларга тилаб дуолар.

Тафаккур юз очса тилагингизда,
Булбуллар дил очса юрагингизда,
Онангиз тоғ кўрса кўкрагингизда,
Уйғонган дилларга тилаб дуолар.

Уйғоқсиз, юракда олам улғаяр,
Уйғоқ дил ҳар нафас, ҳар дам улғаяр,
Маҳмуд, бу тонг шабнамларга юз чаяр,
Уйғонган дилларга тилаб дуолар.

ДИЛШОД БЎЛАЙ

Келаётган қувончнинг йўлида юлдуз бўлай,
Гуллаётган ишончнинг пойида илдиз бўлай,
Зулмат ситамин ситиб, тонг бўлай, кундуз бўлай,
Йўл юринг йўлдош бўлай, қўл беринг қўлдош бўлай,
Тангридан тилаганим мен сизга дилдош бўлай.

Қаноти қайрилган қуш осмонга қараб тўймас,
Йўл ахтарган бўз бола қоқилмай қадам қўймас,
Қафасда булбул тутган гул уволига куймас,
Ёмонга инсоф сўранг, кўксингизда зор бўлай,
Яхшилар умрин тиланг, ёнингизда бор бўлай.

Тилакки тоза эмас, тиғ дунёни тутмагай,
Юракки тоза эмас, кўнгилда гул битмагай,
Дилингда гумонинг бор, кўчангдан пир ўтмагай,
Хиёнат хитобини ютгувчи уммон бўлай,
Адолат тарозисин тутсангиз дармон бўлай.

Кўнглингиз гавҳарида кўз бўлгим келар мени,
Кўзингиз дафтарида сўз бўлгим келар мени,
Ҳар ҳалол луқмангизга туз бўлгим келар мени,
Маҳмуднинг муроди шу, боғ қилинг боғбон бўлай,
Сизга ногоҳ ел эсмасин, гар келса қалқон бўлай.

Маҳмуд ТОИРОВ.

2

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Сиёсий маърифат ўқув маркази»

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик, 5.
Телефон: 139-14-69.

Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳи томонидан 1.08.1996 йилда Ҳамдамов Азизжон Аҳмаджонович номига диплом ўрнига берилган 284-сонли вақтинчалик маълумотнома (Рўйхатдан ўтиш рақами №51590) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«СНИФКО» қўшма корхонасининг жамоаси «Диёр» савдо уйининг бош директори Қобилжон Тургунович Ниёзовга акаси **Шоядбек Тургунович НИЁЗОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Спорт

МАДҲИЯМИЗ ТАРАЛДИ

Белгияда сузиш бўйича «Грань-При» туркумига кирувчи халқаро мусобақа ўтказилди. Мовий йўлкалар бўйлаб ўтказилган ўзаро баҳсларда юртдошларимиз ажойиб маҳорат кўрсатишди. Жумладан, Олег Пухнатийнинг ғалабаси шарафига уч марта мадҳиямиз таралиб, ойюлдузли байроғимиз кўтарилди. У 50 метрга брасс, 200 метрга батерфляй ва шу масофага мураккаб усулда сузиш бўйича маррада биринчи бўлди. Равиль Начаев ҳам эркин усулда сузиш бўйича 50 ва 200 метрли масофаларда маҳорат кўрсатди. Бундан ташқари сузувчиларимиз кумуш ва бронза медалларига ҳам эга бўлишди.

ЮТСАК БЎЛГАНИ

Тошкентдаги МҲСК спорт мажмуида волейболчи эркаклар ўртасида жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари ўтказилмоқда. Йигитларимиз ўз гуруҳларида Австрия ва Тайван терма жамоалари билан куч синашмоқдалар. Агар юртдошларимиз иккита ғалабага эришса, гуруҳ ғолиби сифатида келаси йили Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал учрашувларига йўлланма оладилар. Кеча Ўзбекистон — Тайван жамоалари майдонга тушган эдилар. Бугун Австрия — Тайван волейболчилари учрашишган бўлса, эртага вакилларимиз Австрия жамоасини қабул қилишади.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Малайзияда таэквондо бўйича Осиё ва Тинч океани минтақаси очиқ чемпионати ўюштирилди. Бу мусобақада юртдошларимиз 9 та олтин медаль билан қайтишди. Владислав Нам иккита олтин олган бўлса, Жаҳонгир Собиров ҳам ғолиблик супасига кўтарилди. Т. Ишкинмаев, В. Кан, А. Тенлар кумуш, Н. Ёқубова, А. Ким, И. Глушенколар бронза медаллари олишди.

Вниманию руководителей автопредприятий и организаций!

Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает к реализации со склада в Ташкенте нижеследующие:

— Автошины 185х15 (РАФ)
— гильзопоршневая группа
— коленчатые валы
— головки блока
— диски сцепления
— карбюраторы
— рулевой механизм
— блок цилиндров
— компрессоры
— сцепления в сборе

и более 400 наименований запасных частей к автомобилям **ГАЗ-24, 31; ГАЗ-53; ЗИЛ-130, МАЗ, КАМАЗ, КРАЗ**, а также Асботкань **АТ-1, АТ-3** Сальниковая набивка **АПР 10 ; 18.**

Форма оплаты — перечислением.
Наш адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19.
Факс: (3712) 54-76-31.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатталқўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

•

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди

•

Ҳажми 2 босма табоқ

•

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

•

Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА